

АДАБИЁТШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕЛЛЕКТ КАРТА ВА  
НОСТАНДАРТ ТЕСТНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Гулноза Ёдгорова

ТАТУ академик лицейи ўқитувчи

**Аннотация:** Адабиётшунослик бадий адабиётнинг умумназарий қоидаларини ўрганувчи фан экани ҳамда бадий ижод маълум назарий тушунчаларга асосланишни талабаларга ўргатиши билан муҳим аҳамиятга эга. Блум таксономияси асосида ишлаб чиқилган мустақил таълим топшириқлари талабанинг креатив тафаккурини оширишга ва мустақил изланишига қаратилган.

**Калит сўзлар:** адабиётшунослик, бадий адабиёт, бадий ижод, Блум таксономияси, интеллект карта, креатив тафаккур.

**Аннотация:** Важно отметить, как и Литературоведение – наука, которая изучает общие теоретические закономерности художественной литературы, так и художественное творчество которое основывается на теоретических концепциях играют важную роль в обучении студентов. Самостоятельные учебные задания, разработанные на основе таксономии Блума, направлены на развитие творческого мышления и самостоятельных исследований студента.

**Ключевые слова:** литературоведение, художественная литература, художественное творчество, таксономия Блума, интеллект карта, творческое мышление и креативность.

**Annotation:** It is worth noting that the literary criticism is a science that deals with the general theoretical patterns of fiction, and the artistic creativity based on theoretical concepts, which play an important role in teaching students. Tasks provided for independent study on the basis of the Blum taxonomy are aimed at developing creative thinking and independent research skills of the student.

**Key words:** literary criticism, fiction, creative writing, Bloom's taxonomy, map intelligence, creative thinking, and creativity.

Интерфаол метод – ўқув жараёнининг таркибий қисми бўлиб, ўқитувчи ва талабани фаоллаштиришга йўналтирилган ўқитиш усуллари мажмуи. Блум таксономияси асосида тузилган ностандарт тест ва интеллект карта шулар жумласидандир.

Талабаларнинг билиш, тушуниш, билимларни амалда қўллаш, таҳлил ва билимларни синтезлашга оид ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт тест топшириқларидан фойдаланилади. Талабаларнинг ўқув мақсадларига эришганлик даражасини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолашда улар томонидан ўқув материалидаги фикрларни умумлаштириш, асосий ғояни қайта ишлаш, мисоллар келтириш, ўз фикрини баён этиш ва уни ҳимоя қилиш

талаб этилади. Ушбу даражаларни фақат кўп жавобли ностандарт тест топшириқлари ёрдамида аниқлаш тавсия этилади.

Адабиётшунослик фанини ўқитишда мавзунинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда Блум таксономиясига асосан ўқув мақсадларини аниқлаш ва шу асосда машғулотларни ташкил этиш лозим. Ўқув мақсадларини машғулотнинг дидактик мақсадларига мувофиқ белгиланиши таълим самарадорлигини аниқлаш ва камчиликларга барҳам берилишига замин яратади.

1. Берилган асарларни қайси жанрга мансублигини аниқланг.

Қисса Достон Роман Драма Эпопея Ҳикоя Шеър  
опа-сингиллар”

1. “Момо Ер қўшиғи”
2. “Илиада”
3. “Анор”
4. “Гилгамиш”
5. “Булоқ”
6. “Қушча”
7. “Шоҳнома”
8. “Жинлар базми”
9. “Алпомиш”
10. “Хумча”
11. “Бу дунёда ўлиб бўлмади”
12. “Жаҳонгашта”
13. “Қайдасан, Морико?”
14. “Ёввойи йўрға”
15. “Қиёмат”
16. “Икки эшик ораси”
17. “Чолиқуши”
18. “Эврилиш”
19. “Сўнгги япроқ”
20. “Отелло”
21. “Андиша ва ғурур”

Талаба мазкур ностандарт тестни ишлаши учун берилган асарларни ўқиган ёки адабий жамоатчиликнинг асар ҳақидаги мулоҳазаларидан бохабар бўлиши талаб этилади. Бу типдаги саволлар талабларнинг бадиий асарга қизиқишини ошириб, уларда китобхонлик маданиятини шакллантиради.


2. Терминларнинг луғавий маъносини жадвалдаги муқобили асосида аниқланг.

Т/р	Термин номи	Т/р	Луғавий маъноси
1.	Палендром А.	Хабар,	маълумот
2.	Аннотация В.	Қайтувчи	


3. Мотивировка С. Асослаш
4. Герменевтика D. Тузиш, бириктириш
5. Композиция E. Тушунтириш

Юқоридаги ностандарт тест талабанинг фан бўйича назарий маълумотлар базаси қай даражада эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Талабаларнинг Бенжамин Блум таксономияси бўйича, яъни билиш, тушуниш, амалиётда қўллаш, таҳлил қилиш, синтезлаш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт тест топшириқлари талабалар томонидан ўзлаштирилган билимни объектив ва ҳаққоний аниқлаш ҳамда баҳолаш имконини беради.

Интеллект карта – намоишлар ўтказиш, қарор қабул қилиш, катта миқдордаги маълумотларни эсда сақлаш, ақлий хужумлар ўтказиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, мураккаб лойиҳаларни ишлаб чиқиш каби вазифаларни ҳал этишда қулай восита бўлиб хизмат қилади. Интеллект карталарни дарсларда қўллашга оид дастлабки тажрибалар Тони Бьюзен томонидан амалга оширилган. Т.Бьюзен “Superthinking” асарида интеллект картанинг деталларини белгилаган: 1) асосий фикр, муаммо ёки сўз марказга жойлаштирилади (у расм кўринишида, белги ёки сўз кўринишида); 2) расмлар марказий фикрни ифодалаш керак; 3) ҳар бир тармоқ турли ранг билан белгиланиши керак; 4) картани тайёрлашда фақат рангли қалам ёки маркерлардан фойдаланилади; 5) асосий тармоқлар марказдаги асосий тушунча билан боғланади, кичик тармоқлар эса асосий тармоқларга боғланади; 6) ҳар бир тармоққа фақат биргина калит сўз ёзилади; 7) интеллект-картани ҳосил қилишда ассоциатив тушунчалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ



1-расм: Чингиз Айтматов қиссаларида образ ва образлик мавзусида тузилган интеллект карта.



2 расм: “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” ва “Оқ кема” қиссаларидаги образ ва образлилик мавзусида тузилган интеллект карта.

Хулоса қилиб айтганда, интеллект карта – хотира “харита”ларини мақсадли равишда ҳосил қилиш ва уни муайян предмет ёки ҳодиса билан боғлай олиш ва шу асосда компетентликни ривожлантириш кўникма ва малакаларини эгаллаш, ўқитишда ностандарт тестлардан фойдаланиш эса талабаларнинг қисқа муддатда ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари сифатини аниқлаш, олинган натижаларга мувофиқ талабаларга индивидуал ёндашиш, узлуксиз таълим тизими турларидаги таълим-тарбия жараёнининг сифатини аниқлаш имконини беради.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Anderson L. W. Rethinking Bloom’s Taxonomy: Implications for testing and assessment. ED 435630, 1999
2. Bloom B.S. Taxonomy of educational objectives: The classification of educational goals: Handbook I, cognitive domain. – New York: Longman, 1956.
3. Бенькович Т. М. Квалиметрия образования как научно-практическое направление в педагогике // Вестник ЛГУ им. А. С. Пушкина, 2012. – № 4. – С. 59–69.
4. Толипова Ж. Педагогик квалиметрия.–Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2015. – 107 б.